

UDK 711.03

# XIX-XX АСРЛАРДАГИ ХИВА ШАҲРИНИНГ САВДО ВА ХУНАРМАНДЛИК МАРКАЗЛАРИ

**М.Рузметов**

*Магистрант*

**Б.Матчонов**

*Раҳбар*

**Аннотация:** Уибубу маколада XIX аср 2-ярми ва XX-аср бошларидағи Хива шаҳрининг савдо ва хунармандлик марказлари ҳақида баён қилинган. Хиванинг савдо ва хунармандлик марказлари шаҳарнинг йирик савдо бозорлари, кичик савдо тизимлари орқали намоён бўлади. Шунингдек, карвонсарой ва тимлар, савдо рассталари тўғрисида сўз юритилади.

**Annotation:** This article describes the functional-historical system of the city of Khiva in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century, as well as the process of formation and development of the city. The territorial-administrative system of Khiva is manifested through the administrative divisions of the city. Also, there is talk about mosque communities, which are small subdivisions of urban planning, where people live.

**Аннотация:** В данной статье описывается функционально-историческая система города Хивы во второй половине 19 века и начале 20 века, а также процесс становления и развития города. Территориально-административное устройство Хивы проявляется через административное деление города. Также речь идет о общинах мечетей, которые представляют собой небольшие подразделения городской застройки, в которых проживают люди.

**Kalit so‘zlar:** йирик бозорлар, савдо расталари, карвонсарой, тим, чорсу, ободонлаштириши, чарчи, Ҳазорасп дарвозаси, ёдгорлик.

**Keywords:** *urban environment, design code, memorial, landscaping, functional system, museum, castle, monument.*

**Ключевые слова:** городская среда, дизайнерский код, мемориал, ландшафтный дизайн, функциональный система, музей, замок, памятник.

## Кириш

Хива Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарларидан бири. Маълумки, Хива жаҳондаги тарихий шаҳарлар дурданаларидан ҳисобланади. Очиқ осмон остидаги музей дея эътироф этиладиган бу қадими қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган.

Хива ўзининг тарихий ўтмиши, меъморий тузилиши, обидаларининг яхлит сақланганлиги жиҳатидан мазкур қадимги шаҳарлар орасида алоҳида ўрин тутади. Меъморий ансамблиниң яхлитлиги жиҳатидан шаҳар Марказий

Осиёда ягона ҳисобланади. Шаҳарнинг дастлабки ҳаёти тўғрисида маҳсус изланишлар мавжуд. 1964-1985, 1987-1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими ходими М.Мамбетуллаев раҳбарлигида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёвий далилларга кўра, қалъа худудида мил. ав. VI-V асрларда кичик манзил сифатида мавжуд бўлган.


Шаҳар мил. олдинги IV-III асрларда вужудга келган ва мудофаа девори билан ўраб олинган. Хива шаҳри ғарбдан шарқ томон чўзилиб, асосан икки: Ичан қалъа ва Дишан қалъа қисмларидан иборат. Ичан қалъа тўғрибурчак шаклида бўлиб, унинг (650x400 м.) томонлари мудофаа девори билан ўраб олинган.

Хозирги пайтда Ичан қалъа қўрғон девори таъмирланган.

**Асосий қисм.** XIX-XX асрлардаги Хива шаҳрининг савдо ва хунармандлик марказлари асосан 3 қисмдан иборат : йирик бозорлар, кичик савдо тизимлари расталар ёки чорсулар ҳамда карvonсарой ва тимларга бўлинади. А.Абдурасуловнинг Хивага оид маълумотлари айниқса қимматлидир (1-ад., 32-87-бетлар). XIX асрнинг 70-йилларида Хивада 400 та савдо дўкони, карvonсаройда 105 та савдо растаси, ўндан зиёд "Чорсу" (ҳар бирида 3 дан-30 тагача) савдо дўконлари мавжуд бўлган.

**Йирик савдо бозорлари.** *Хива шаҳрининг энг катта бозори* Ҳазорасп дарвозаси ичкарисида ялангликда (хозирги пахта тозалаш заводи ўрнида) жойлашган бўлиб, умумий майдони 15 гектарни (600x250 м) ташкил қилган. Унда пахта, пахта уруғи, тамаки, кунжут, ғалла, шоли, гуруч, беда ва тол озуқаси сотилган. Бозор теварагидаги майдонда чорва моллари сотиладиган бозор ҳам бўлган. Бу бозор асосан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари сотишга хизмат қилган. *Иккинчи бозор* Ичан қалъанинг Полвон дарвозаси яқинида, хозирги бозор ўрнида бўлиб, 4 гектарга яқин майдонни эгаллаган. Унда асосан мева-сабзавот, гўшт, турли хил шириналар сотилган.

Бу ерда "қатиқ бозорчаси" ҳам бўлган. *Учинчи бозор* асосий, жуда қадимий бўлиб, XVII асрдан то XIX асрнинг 20 йилларигача Ичан қалъанинг шарқий қисмида жойлашган. Мазкур бозор ҳақида рус элчилари хотираларида ва бошқа кўпгина манбаларда қайд қилинган. Бу бозорда 250 тага яқин хунармандчилик устахоналари, жумладан, читгарлар, бўёқчилар, этикдўзлар, ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилар, ёғочни қайта ишлаш устахоналари ҳам бўлган. Бу ерда бозор хафтада икки кун-душанба ва пайшанба кунлари ўтказилган.



1-расм.XVIII-XIX асрлардаги Хива шаҳри савдо марказлари тархи

Катта бозорлардан фарқли бўлган кичик савдо тизимлари турига кўчалар кесишган чорраҳалардаги-кичик бозорлар киради. Уларни А.Абдурасулов «Чорсулар» деб атайди. Бу ерда новвойлар, қассоблар, боққол дўконлари ва атрофида майдачуйда билан савдо қилувчи "чарчи"лар ўрин оладилар. "Чарчи" деб зикр этилган савдогарлар ҳозирги кунда ҳам "чарчи", деб аталади.

Хивада 15 та чорсу бўлган. Бу чорсуларда кундалик эҳтиёж учун зарур моллар савдоси олиб борилган. Булар: 1. Бахча чорсу, 2. Мадаминхон чорсу, 3. Матниёз девонбеги (Комил Хоразмий), 4. Рофаник чорсу, 5. Тоза боғ, 6. Нурулла читгар, 7. Мамат маҳрам чорсуси, 8. Омон чорсу, 9. Амин чорсу, 10. Нуриллабой, 11. Дош кўпир, 12. Каптархона, 13. Полвон чорсу, 14. Полвон қори, 15. Кўчумни чорсуларидир. Хивада Кўхна аркка кириладиган дарвоза олдида катта майдон бўлиб, бу майдон ҳам шаҳар марказларидан бири ҳисобланади. Майдон хон ҳукми ижро этиладиган, аҳоли тўпланадиган жамоат жойидир. Бунга асос қилиб қуидаги воқеани зслатиб ўтамиз. 1917 йил 6 апрелда ёш хиваликлар Кўхна арк майдонига кўп миқдорда йиғилиб, хондан сиёсий ҳужжатни-манифестни ўқиб беришни талаб қилганлар. ). Ушбу ҳодиса, бу майдон Хива халқининг йиғилиш майдони, яъни жамоат маркази бўлганлигидан далолат беради. Мазкур майдон Кўхна аркка туташлигини назарда тутиб, Хоразмнинг бошқа шаҳарларида ҳам бундай жамоа марказларини шаҳар хокимияти иншоотлари мажмууга туташ бўлган муҳитлардан излаш лозим, деб тахмин қилишимиз мумкин.

1873 йилгача Хивада "қул бозори" мавжуд бўлиб, Оллоқулихон томонидан Обдол бобо қабристони ёнида қурилган. Бозор "Г" шаклида қурилган саккиз хонадан иборат бўлиб, хоналарда қуллар сақланган. Қишин-ёзин бу ерда савдо ўтказилган. Ёз ойларида эса савдо айвонга кўчирилган. (1-ад., 32-37 бет).

Ҳазораспликларнинг қадим-қидимдан бозиргон эл бўлганлиги, неча минг йиллар аввал улар бозор ҳавосини олганлиги, савдо қўникмаси ҳар бирининг қонида борлигидир. Қадимий Бозиргон қалъаси ҳам Ҳазораспдалиги эътиборлидир. Бозорнинг эски жойи ҳозир таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган (2-ад., 20-бет).

Шоббоз (Беруний) шаҳрида ҳозир иккита катта бозор бўлиб, бири маҳаллий тил билан айтганда марказда "кундалик бозор", шаҳарнинг шарқий қисмида "ҳафта бозор" жойлашган. Булардан ташқари кичик бозорчалар (чорсулар), ва мол бозор мавжуд бўлиб уларда бозорчиликнинг қадимги анъаналари давом этаётганлигини кузатиш мумкин.

*Карvonсарой ва тимлар.* Узоқ-узоқлардан келган савдогарлар карвонсаройларда бир неча кунлаб яшашган, молларини бозорга чиқазишган. Тимларда, яъни усти ёпиқ бозорларда эса ёзнинг жазирама иссиғида, қишу-баҳорнинг совуғи, қор ёмғирида беъмалол ҳимояланган ҳолда савдо қилиш мумкин бўлган.

Хивадаги энг катта карвонсарой 1835 йилда Оллоқулихон томонидан қурилган. Бу карвонсарой Оллоқулихон мадрасаси ва Тош ҳовли оралиғида, қатор савдо расталари ёнида барпо бўлган эди. Карвонсарой дарвозаси икки томонлама йулак орқали туяларнинг ичкарига беъмалол кириб-чиқишига мўлжалланган эди.

Карвонсарой ичкарисида яна дарвоза бўлиб, у орқали савдогарлар истиқомат қилишга мўлжалланган меҳмонхона қисмига ва қиш ойларида савдо қилишга қулай ҳовлига кирилган. У ҳовлини компазицияга эга бўлиб 105 та хонадан иборат. (3-ад.,40-бет). Икки қаватли, юқорида меҳмонлар учун хоналар, пастда эса савдо ҳужралари, омборхона жойлашган. Ҳамма ҳужралар ҳовлига қараган. Шу жиҳатдан карвонсарой мадрасаларда қўлланиладиган меъморий ечимга ўхшайди. Ҳовлининг ўрта қисми мол юклашга қулай бўлиши учун бир мунча пастроқ қилиб ўйилган. Хивадаги карвонсарой ва тим ҳозирги кунда ҳам савдо функциясини давом этдирмоқда. Савдо расталарида ҳар куни одам гавжум бўлади. Хиванинг асосий (Иchan қалъанинг шарқий девори олдидағи) бозори ҳозирги кунгача ўз жойини ўзгартирган.

*Кўхна Урганч* бозорлари ҳам бошқа шаҳарлардаги бозорлар каби гавжум бўлган. Бу шаҳарда карвонсарой бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор. График манбаларга кўра карвонсарой дарвозаси олдидан ўтган катта кўча жанубдан-шимолга қараб чўзилган. Уни учта кўча кесиб ўтган. Кўчаларнинг кесишигандан жойларида ҳунармандларнинг дўконлари, яни савдо марказлари уюшган. Атрофида кўчалар бўйлаб туради жойлашган.

*Урганч* шаҳридаги (Собиқ Янги Урганч) ҳозирги кундалик бозорни (Жиззах ва Ўзбекистон кўчалари оралиғида) XIX аср охири-XX аср бошларидаги бозор ўрнида ташкил топган, деб тахмин қилса бўлади. Чунки бозор "Кўхна қалъа" маҳалласига яқин жойлашган. Ҳозирги кунда бундан ташқари яна учта бозор мавжуд: шимоли-шарқий қисмида мол бозори (Чолиш бозор), жанубида қурилиш моллари бозори ва шимоли-ғарбида бошқа бозор мавжуд.

**Хулоса / тавсиялар.** Хулоса қилиб айтганда, меросни илмий таҳлил қилиш, яхлит ва уйғун шаҳар атрофи ва унинг алоҳида объектларини шакллантириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва шаҳарнинг тарихий қиёфасини сақлаб зарур.

Ҳозирги вақтда Республикализнинг барча шаҳар муҳитлати визуал қадриятларнинг янги ёндашув ва ғояларга муҳтоҷ. Инқирозли вазиятдан чиқиш фақат шаҳар ҳудудини реконструкция қилиш ва қайта тиклаш дастурини, шунингдек тарихий марказда экологик объектларни ривожлантириш ва ривожлантиришнинг қатъий қоидаларини тузиш орқали амалга ошириш мумкин бўлади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (МАНБАЛАР) РЎЙХАТИ:

1. Абдурасолов А. Хива. (Тарихий-этнографик очерклар). -Т.: 1997.
2. Самандар Э. Минг отлиқлар диёри. -Т.: 2001.
3. Аҳмедов М.Қ., Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.-Т.:1995.
4. Абдурасолов А. Хива. (Тарихий-этнографик очерклар). -Т.: 1997.